O`zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

0, Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo`rg`oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

201**5** у.г. «**31**» **декабр** № **1871-К**

**“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғонида фукаро Мамадалиева Масуда Мамасолиевнага тикувчилик цехи қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.**

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғонида яшовчи фуқаро Мамадалиева Масуда Мамасолиевна туман ҳокими номига “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони худудидан тикувчилик цехи қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси “Махаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1.“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғонида яшовчи фуқаро Мамадалиева Масуда Мамасолиевнага “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони ҳудудидан тикувчилик цехи қуриш учун 0,09 га. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Мамадалиева Масуда Мамасолиевнага тикувчилик цехини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3.Фуқаро Мамадалиева Масуда Мамасолиевна томонидан “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **Б. Кадиров**